

Талабалар фахримиз

2020 йил 23-26 сентябрь кунлари ўтказилган Вьетнам давлатининг Ханой шаҳрида ТИҚХММИ, Миллий тадқиқотлар Москва Давлат Университети, Вьетнам Давлат техника университети ҳамкорлигида 23-сонли FORM-2020 Халқаро илмий онлайн шаклда ташкил этилган конференцияда “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” факультетининг 4-курс талабалари “Иқтисодиёт” кафедраси доценти М.Саидова раҳбарлигида ўзларининг илмий мақолалари билан фаол иштирок этишди.



Ташкилий қўмитанинг қарори натижаларига кўра, факультетимизнинг 4-курс талабалари Тўраев Бобуршоҳ Шухратжон ўғли 1-ўринни, Уктамов Камолиддин Акмал ўғли 3-ўринни қўлга киритишди. Талабаларимизнинг илмий фаолиятларида муваффақиятлар тилаб, қўлга киритган ютуқлари билан табриклаймиз.



ТИҚХММИ матбуот хизмати